

**ОЛИМ АБДУРАХМАНОВ,  
ШОВКАТ ДЖАМАЛОВ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСЕАН  
МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН  
ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ**

---

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ-2012**

УДК 339.(575.1+4/9) (075)+327.51 (4/9)

КБК 65.9 (5Ў)

A15

**A51 Абдурахманов О.Қ., Джамалов Ш.К. Ўзбекистоннинг АСЕАН мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлиги/Ўқув қўлланма. – Т.: «Fan va texnologiya», 2012. - 224 б.**

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ҳамкорлиги ва халқаро меҳнат тақсимотида бевосита иштироқи, унинг табиий жўғрофий имкониятлари ва савдо-сотиқ анъаналари билан боғлиқдир.

Ўзбекистон бир неча асрлардан бери Машиқ ва Мағриб ўртасидаги савдо-сотиқни ривожлантиришда хал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Аммо Ғарб мамлакатлари билан амалга оширилаётган иқтисодий алоқалар ривожини кенг бўлишига қарамай Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари иқтисодиёти ва имкониятлари жуда кам ўрганилган.

Халқаро иқтисодий муносабатлар фанидан Ўзбекистоннинг АСЕАН мамлакатлари билан бўлаётган иқтисодий алоқаларига деярли ўрин берилмаган.

Ана шунинг учун ҳам ушбу ўқув қўлланма АСЕАН мамлакатлари иқтисодиёти ва савдо-сотиқ муносабатларини ўрганаётган илмий ходимлар ва кўп сонли талабалар учун мўлжалланган.

**Тақризчилар:** **Г.Г.Назарова** – *и.ф.д., проф., Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Инвестицион фаолият” кафедраси профессори;*

**Б.А.Исламов** – *и.ф.д., проф., Г.В. Плеханов номидаги РИУ Тошкент шаҳри филиали “Иқтисодий назария” кафедраси профессори.*

Г.В. Плеханов номидаги РИУ Тошкент шаҳри филиали ўқув-услуга бий Кенгашининг қарорига асосан нашр этилди (Баённома № 7, 18 февраль 2012 йил).

**ISBN 978–9943–10–685–7**

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2012.

## МУНДАРИЖА

**Кириш..... 5**

### **I боб. АСЕАН – Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлик ташкилоти**

1.1. Жаҳонда иқтисодий интеграция жараёнларининг шаклланиши ва ривожланиши .....	11
1.2. АСЕАН ташкил этилишининг сиёсий ва иқтисодий омиллари .....	20
1.3. Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари минтақавий ҳамкорлигининг хусусиятлари .....	36

### **II боб. Глобаллашув шароитларида АСЕАН давлатларида минтақавий меҳнат тақсимоти ва ташқи иқтисодий фаолият**

2.1. Глобаллашув ва АСЕАН давлатлари иқтисодиёти интеграциялашуви .....	46
2.2. АСЕАНга аъзо мамлакатларда минтақавий меҳнат тақсимотининг замонавий тизими .....	59
2.3. АСЕАН доирасида ташқи савдонинг миллий иқтисодиётларнинг ривожланишига таъсири.....	69

### **III боб. АСЕАН доирасида минтақавий интеграциялашувининг хусусиятлари**

3.1. АСЕАН доирасида эркин савдо зоналарининг ташкил этилиши ва уларнинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли.....	83
3.2. Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри инвестицияларнинг рағбатлантирилиши .....	94
3.3. Кооперациялаш ва ихтисослашишнинг АСЕАНга аъзо давлатлар саноат ҳамкорлигидаги аҳамияти .....	107
3.4. Минтақавий ҳамкорлик – халқаро меҳнат тақсимотида рақобатдошликни ошириш омили .....	123

<b>IV боб. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувида АСЕАН давлатларининг ўрни</b>	
4.1. Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари .....	139
4.2. Ўзбекистоннинг инвестиция салоҳияти ва унинг АСЕАН давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришдаги роли .....	151
4.3. Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишда АСЕАНга аъзо мамлакатлар тажрибасининг аҳамияти.....	159
<b>V боб. Ўзбекистон билан АСЕАН иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари</b>	
5.1. Ўзбекистон билан АСЕАН мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари .....	176
5.2. Ўзбекистоннинг АСЕАН давлатлари билан иқтисодий ҳамкорлигини шакллантирилиши ва ривожлантирилиши .....	186
5.3. Ўзбекистоннинг АСЕАН мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш истиқболлари ...	197
<b>Хулоса.....</b>	<b>207</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>	<b>211</b>

## КИРИШ

Ўзбекистонда мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ҳамда юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсати изчил амалга оширилмоқда. Бу стратегик мақсадга эришишда чет эл мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов “Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур. Бу мақсаднинг долзарблиги ва аҳамияти аввало шу билан белгиланадики, биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз”<sup>1</sup> деб таъкидлади.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро меҳнат тақсимотидаги иштироки унинг табиий-иқтисодий, жўғрофий имкониятлари, савдо-сотиқ анъаналари билан боғлиқдир. Буюк ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистон неча асрлар давомида Машриқ ва Мағриб ўртасида савдо-сотиқни ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Ўлка ҳунармандлари маъдандан металл ажрата олишган, қурол-аслаҳа, асбоб-ускуна, зеб-зийнат буюмлари ясаганлар, мато тўқишган, терини ошлаш ва чарм маҳсулотлари ҳамда чархда идиш тайёрлашни билганлар. Масалан, X асрга тааллуқли “Худуд ал-олам” (“Оламнинг чегаралари”)да “Чоч (Тошкент) – бу катта вилоят, халқи жанговар ва саҳийдир. У ерда камон ва ўқ-ёй ясалади” деган сатрларга дуч келиш мумкин.

Буюк ипак йўлидаги савдо қарвонлари қатновлари Гиераполдан Тошминор (Тошқўрғон)гача ҳамда Тошминордан Хитойнинг Серика шаҳригача икки йўналишдан иборат бўлган. Унинг

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз таракқиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

Марказий Осиё қисми Туркманистон жануби ва Афғонистон шимоли-ғарбидаги қадимий Ария вилоятидан шимолга – Марғиёнадан кўҳна Марвга, сўнг шарққа - Термиз атрофида Амударёдан ўтилиб, яна икки тарафга давом этарди. Биринчи йўналиш шимолий томонга бўлиб, у Самарқанддан Фарғонага, иккинчиси, жанубий йўналиш – Сурхон водийсидан тоғли Қоратегин ўлкасига олиб борган.

VI-VII асрларда Буюк ипак йўлининг Еттисув орқали Тошкентдан ўтадиган шимолий йўналиши, айниқса, жуда муҳим саналарди. Чунки Византияга Хитой ипагини Эрон орқали олиб ўтиш тақиқланганлиги учун сўғд савдогарлари аввал Хоразмга йўл олишар, сўнг Каспий денгизини айланиб ўтишар, бундан кейин эса шимолий Кавказ доволаридан ошиб Қора денгизга чиқиб олишарди. Бу ердан Константинополга олиб борадиган янги йўл тармоғи солинган.

Тарихий ёдгорликлардан топилган, турли мамлакатларда зарб этилган тангалар, ясалган зеб-зийнатлар, тайёрланган антиқа буюмлар ўша даврда савдо-сотик алоқаларининг жўшқин бўлганлиги аломатларидир. Ўлкага ўзга юртлардан турли товарлар келтирилиши билан бирга бу ердан чет элларга Чотқол ва Қурама тоғларидаги Қўшбулоқ ва Қизилолма конларидан қазиб олинган олтин, Кўҳисим, Лашкарак ва Кони Мансур конлари кумуши, Унгурликон ва Оқтупроқ конларининг ферузалари, шунингдек, ғалла, қуруқ мева, йилқилар сотиш учун чиқарилган. Юртимиз том маънода ташқи савдо маркази ҳисобланган.

Аммо “собик тузум даврида республикамизнинг иқтисодиёти бир томонлама ривожланган, фақат хомашё етиштиришга йўналтирилган бўлиб, машъум салбий оқибатларга олиб келган пахта яккаҳоқимлиги авжига чиққан эди. Ўзбекистон ўзининг қолақ ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси билан собик иттифоқда жон бошига истеъмол даражаси бўйича энг паст ўринда турарди”<sup>1</sup>.

Маълумки, миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозори билан боғлиқлиги мамлакат ташқи савдоси ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши билан белгиланади. Ана шу мезон – ташқи савдо айланмасининг ЯИМдаги улуши 1990–йилларда, жумладан, Хитойда 40,0 %, Мисрда – 46,0 %, Канадада 73,0 % ни

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

ташқил этган бир вақтда Ўзбекистонда давлат мустақиллигига эришилган дастлабки йилларда 10,0–12,0 % дан ортмасди<sup>1</sup>.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон мустақил ташқи сиёсатини, шу жумладан, ташқи иқтисодий сиёсатини юргиза бошлади. Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш стратегияси изчил, босқичма-босқич амалга оширилар экан, бу мақсадларга эришишда ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги асосий вазифалар сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

“биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиш, товарларни экспорт ва импорт қилишда хорижий сармоядорлар ўз даромадларидан эркин фойдаланишларида бирмунча имтиёзли тартибни жорий этиш;

иккинчидан, хорижий сармоядорларни, асосан бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни республика иқтисодиётига кенг жалб этиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш;

учинчидан, Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб келадиган, халқ хўжалигининг замонавий структурасини вужудга келтиришда ёрдам берадиган сармоядорларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини ўтказиш;

тўртинчидан, маблағларни энг устувор соҳаларга – республика мустақиллигини таъминлайдиган аграр секторни, ёқилғи-энергетика комплексини ҳамда бошқа базавий таморқларни ривожлантиришга, рақобатга қодир, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфлаш”<sup>2</sup>.

Шу мақсадда мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Қабул қилинган Божхона кодекси, “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият

<sup>1</sup> Абдурахманов К.Х., Ахмедов О.М., Абдурахманов О.К. Мироя экономика: учебное пособие. – Т.: Ўқитувчи, 2006. С.364.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996. Б.11-12.

тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Бож тарифи тўғрисида”ги, “Экспорт назорати тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур соҳадаги фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг тенглиги;
- савдо-иқтисодий муносабатларни амалга оширишда камситишларга йўл қўйилмаслиги;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишдан ўзаро манфаатдорлик;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари сифатида эса халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик, ташқи савдо фаолияти, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, республикадан ташқарида фаолият кўрсатиш белгилаб қўйилган.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, унинг иқтисодий мустақиллиги ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий иқтисодиёт ривожини рағбатлантириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини чуқурлаштириш ташқи иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш, кенгайтириш ва чуқурлаштиришни талаб этади. Жуда қисқа вақт ичида Ўзбекистон Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Осиё тараққиёт банки каби халқаро ва минтақавий иқтисодий ва молиявий ташкилотларга аъзо бўлди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг жаҳондаги 180 та давлат билан

---

<sup>1</sup>“Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 148-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2005 й., 49-50-сон, 365-модда; 2009 й., 37-сон, 403-модда.



ташқи иқтисодий муносабатлари ўрнатилган. Мамлакатимиз Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Венгрия, Жанубий Корея, Малайзия, Покистон, Германия, Австрия ва бошқа давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзолаган. Шу билан бирга Туркия, Испания, Хитой, Индонезия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар билан савдо айланмаси ва кредит битимлари мавжуд.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий муносабатларида Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Корея Республикаси, Туркия каби мамлакатлар асосий ўринни эгаллаб турганига қарамадан давлатимизнинг Жанубий–Шарқий Осиё минтақасидаги шериклари билан ҳамкорлик қилишдан ҳам манфаатдордир.

Мазкур мамлакатларнинг минтақавий интеграциянинг афзалликларидан самарали фойдаланишлари уларга ўз миллий иқтисодиётини жадал ривожлантириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози салбий оқибатларини тез ва муваффақиятли бартараф этиш имкониятини берди. Уларнинг нисбатан жуда қисқа муддатларда аграр мамлакатдан иқтисодиёти жадал суръатларда ривожланаётган индустриал давлатлар қаторига қўшилиши катта қизиқиш уйғотмоқда ва жаҳон ҳамжамияти эътиборини жалб этмоқда.

Янги индустриал мамлакатлар сифатида эътироф этилаётган АСЕАНга аъзо давлатларнинг инновацион иқтисодиётни шакллантириш, инвестиция зоналарини барпо этиш, ташқи савдо ҳажмини кескин ошириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича тажрибалари ўз иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш орқали жаҳон бозорларида унинг рақобатбардошлигини ошириш сиёсатини амалга ошираётган Ўзбекистон учун ҳам диққатга моликдир.

Ўзбекистонда халқаро иқтисодий ҳамкорлик муаммоларини тадқиқ қилишга давлат мустақиллигига эришилгандан кейингина киришилди, чунки собиқ иттифокда ташқи иқтисодий алоқалар Марказ ваколатига кирар эди. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти, жаҳон интеграция жараёнларидаги иштироки, турли мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлиги, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш каби масалаларнинг турли хусусиятлари Қ.Х.Абдурахмонов, Ҳ.П.Абулқосимов, А.Абдураззоқов, А.М.Алимов, О.Аҳмедов,

А.К.Бедринцев, А.Ш.Бекмуродов, Б.А.Исломов, А.Исожонов, А.Ф.Расулов, Н.Сирожиддинов<sup>1</sup> ва бошқалар асарлари ва илмий ишларида ёритилган.

Аммо, мамлакатимизнинг Жанубий–Шарқий Осиёдаги бу янги индустриал давлатлар, хусусан Индонезия, Сингапур, Малайзия, Таиланд билан ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бораётганлигига қарамасдан мазкур ташқи иқтисодий алоқаларнинг миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий қилиш, экспорт салоҳиятини оширишдаги аҳамияти ва бу ҳамкорлик истикболлари ҳозирча батафсил ва чуқур ўрганилмаган.

Бу Ўзбекистоннинг Жанубий–Шарқий Осиёдаги АСЕАНга аъзо давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлиги масалаларини тадқиқ этиш долзарблигини кўрсатади.

---

<sup>1</sup> Абдурахманов К.Х., Ахмедов О.М. Мировая экономика. Учебное пособие. – Т.: Ўқитувчи, 2006; Абулқосимов Ҳ.П. Макроиқтисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. – Т.: Академия, 2011; Алимов А.М. Внешнеэкономическая деятельность Республики Узбекистан: взгляд в будущее. – Т.: Узбекистан, 1992; Ахмедов О., Абдурахмонов О. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Академия, 2007; Бедринцев А. Узбекистан в мирохозяйственных связях: интеграционное взаимодействие. – М.: Наука, 1999; Бекмуродов А.Ш. Международная конкурентоспособность Республики Узбекистан: вопросы теории и практики. – Т.: УМЭД, 2002; Исломов Б.А. Осиё мустақил давлатлари: трансформация ва жаҳон иқтисодиётига интеграция жараёнларининг қиёсий таҳлили/Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ, 2002; Исаджанов А. Конкурентоспособность национальной экономики: мировой опыт и современные тенденции //Экономический вестник Узбекистана, 1996, №6; Расулов А.Ф., Бедринцев А.К., Акилов А.Г. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. – Т.: Узбекистан, 1996; Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. – Т.: УМЭД, 2004.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/680> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/680> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/680>